

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси
тизими ходимларининг одоб-ахлоқ
ҚОИДАЛАРИ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тизими ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда Одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, ҳудудий статистика органлари, Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази (кейинги ўринларда Давлат статистика органлари деб аталади) ходимларининг эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги, ишдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат.

2. Одоб-ахлоқ қоидалари ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, давлат хизматчиларини юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, Давлат статистика органларининг ички меъёрий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

3. Давлат статистика органлари ходимлари қонун ҳужжатлари, Давлат статистика органларининг ички меъёрий ҳужжатларига ва Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт.

4. Давлат статистика органларининг кадрлар билан ишлаш бўлинмалари томонидан Давлат статистика органларига янгидан ишга қабул қилинган ёки тайинланган ходимлар Одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган ҳолда таништириладилар.

5. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш Давлат статистика органлари ходимларининг касбий фаолиятини ва хизматдаги, ишдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

II. Давлат статистика органлари ходимларининг
хизматдаги, ишдаги хулқ-атворининг асосий принциплари ва қоидалари

6. Давлат статистика органлари ходимларининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги:

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат

статистика қўмитаси тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг махсус жамғармаси тўғрисидаги низомлар;

Давлат статистика органлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Давлат статистика органларининг ички меъёрий ҳужжатлари;

Давлат статистика органларининг низомлари;

Давлат статистика органлари таркибий бўлинмаларининг низомлари;

Давлат статистика органлари ходимларининг лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

7. Давлат статистика органлари ходимлари ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

қонунийлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойилик;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик;

давлат статистикасининг асосий принципларига риоя қилиш;

ўзига бўйсунувчи ходимлар ва ҳамкасблари билан ўзаро ҳурмат руҳида ҳамда ҳушмуомала муносабатда бўлиш.

8. Давлат статистика органлари ходимлари қуйидагиларга мажбур:

хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;

ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;

юқори давлат органлари, Давлат статистика органлари, тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва Давлат статистика органларининг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкӣ ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва Давлат статистика органларининг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;
Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки давлат органининг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

хизмат мавқеидан давлат статистика органлари, бошқа давлат органлари, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

давлат статистика органларида хабарларни, маълумотларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш.

9. Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий вазлар ва бошқа субъектив сабаблар давлат статистика органлари ходимларининг қонун ҳужжатлари талабларини ва Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди.

10. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, давлат статистика органлари ходимларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф кўриш тақиқланади.

11. Давлат статистика органлари ходимлари коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши шарт.

Давлат статистика органлари ходимлари ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек давлат статистика органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

Давлат статистика органлари раҳбарлари шахслар қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши керак.

12. Давлат статистика органлари ходимлари, касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари, Давлат статистика органларининг ахборот хавфсизлиги бўйича ички ҳужжатларига риоя қилишлари, шунингдек статистик маълумотларнинг ошкор этилиши ва тақдим этилиши тартибига амал қилишлари шарт.

13. Давлат статистика органлари раҳбарлари ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнатилган бўлиши, давлат статистика органлари (унинг таркибий ёки ҳудудий бўлинмаси)да маънавий-психологик муҳит шаклланишига қўмаклашиши лозим, у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат ва лавозим вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

14. Давлат статистика органлари раҳбарлари кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. Улар гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

15. Давлат статистика органларининг барча даражадаги раҳбарлари:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Улар ўзига бўйсунувчи, иш фаолиятидаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб берадилар.

16. Давлат статистика органлари ходимлари ўзларининг хизматдаги хулқ-атвори билан жамоада бошқа ходимлар билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига қўмаклашишлари лозим.

17. Давлат статистика органлари ходимлари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Давлат статистика органлари ходимлари ўзига бўйсунувчиларга, ҳисобот топширувчи субъектлар вакиллариغا, давлат статистика органларига мурожаат қилган юридик шахсларнинг вакиллариغا ва жисмоний шахсларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, ўзаро муносабатларда, ёзишмаларда, телефон ва бошқа алоқа воситалари орқали сўзлашувларда хушмуомала, одобли, ахлоқий жиҳатдан намунали бўлиши, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

18. Хизмат ва лавозим вазифаларини бажариш чоғида, хизмат сафарлари даврида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда Давлат статистика органлари ходимларининг ташқи кўриниши фуқароларнинг Давлат статистика органларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумқабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши, Давлат статистика органларида белгиланган иш кунларида кийинишлари ва уларнинг ташқи кўринишига қўйиладиган умумий талабларга мувофиқ бўлиши шарт.

Давлат статистика органлари ходимларининг ташқи кўриниши, ўзини ахлоқий-маънавий жихатдан тутиши ҳисобот топширувчи субъектлар вакиллари, Давлат статистика органларига мурожаат қилган юридик шахсларнинг вакиллари ва жисмоний шахсларда ижобий таассурот қолдириши лозим.

19. Давлат статистика органлари ходимлари хизмат сафарлари давомида хизмат сафарининг мақсадлари ва вазифалари амалга оширилишига, хизмат сафарига борган ташкилотда белгиланган тартибга, Давлат статистика органлари манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиши ва умумий қабул қилинган маънавий-ахлоқий нормаларга риоя қилишлари керак.

Давлат статистика органлари ходимлари хорижий хизмат сафарларида, шу жумладан расмий делегациялар таркибида хорижий хизмат сафарига бўлганида хизмат сафарининг мақсадлари ва вазифалари амалга оширилишига, умуман давлат манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиши, борган мамлакати конунчилигига ва умумий қабул қилинган маънавий-ахлоқий нормаларга риоя қилишлари керак.

20. Давлат статистика органлари ходимлари хизматдан ташқари вақтда:

умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

умуман давлат ва Давлат статистика органлари манфаатларига, ходимнинг шаъни, кадр-қиммати ҳамда профессионал обрўсига зарар етказадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.

21. Давлат статистика органлари ходимлари ўзаро шахсий муносабатларда камтар, виждонли, хушмуомала бўлиши, ҳеч кимга одобсиз муносабатда бўлмаслиги ҳамда бошқа фуқароларга ўрнак бўлиши лозим.

III. Манфаатлар тўқнашуви

22. Давлат статистика органлари ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви Давлат статистика органлари ходимларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат ва лавозим вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Давлат статистика органлари ходимларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

23. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, Давлат статистика органлари ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини ҳамда тегишли Давлат статистика органи раҳбарларини дарҳол хабардор қилиши керак.

24. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олганда, ходимнинг бевосита раҳбари ва тегишли давлат статистика органи раҳбарлари уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

25. Давлат статистика органлари ходимларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланади.

26. Давлат статистика органлари ходимлари, ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришларига мос келмайдиган фаолиятни амалга оширмасликлари ёки ўзларига зарар етказиши мумкин бўлган лавозимни эгалламасликлари керак.

27. Давлат статистика органи ходими ҳар қандай ҳолатларда ҳам ўз хизмат ва лавозим мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

28. Давлат статистика органлари ходимлари ўз раҳбарини манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриш мақсадида тижорат ташкилотларини устав капиталида иштирок этиши ҳақида хабардор қилиши шарт.

29. Давлат статистика органи ходими лавозимга тайинланаётганда ҳамда хизмат ва лавозим вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат ва лавозим вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт.

IV. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

30. Давлат статистика органи ходими томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий ёки бошқача жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

Давлат статистика органлари ходимлари статистик ва бошқа ахборотларнинг сақланишини ҳамда махфийлигини таъминламаганлиги, махфий ахборотларнинг ошкор этилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

31. Давлат статистика органи ходими томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

32. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг Давлат статистика органи ходими томонидан бузилиши тегишли ёки юқори давлат статистика органининг Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг бошқа масалалари Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низомда белгиланади.

33. Давлат статистика органлари ходимлари ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек тегишли давлат статистика органининг ва/ёки Одоб-ахлоқ комиссияси қарорлари, хулосалари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

**Ўзбекистон Республикаси давлат статистика органларининг
Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тизими ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларининг (кейинги ўринларда Одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) бузилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, ҳудудий статистика бошқармалари, Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази (кейинги ўринларда Давлат статистика органи деб аталади)нинг Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Ҳудудий статистика бошқармалари бошлиқлари ҳамда Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази директори томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши Давлат статистика кўмитасининг Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Туман (шаҳар) статистика бўлимлари раҳбарлари ва ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳудудий статистика бошқармаларининг Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

2. Давлат статистика органининг Одоб-ахлоқ комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, Давлат статистика органининг ички меъёрий ҳужжатларига, Одоб-ахлоқ қоидаларига ҳамда ушбу низомга амал қилади.

3. Комиссия Комиссиянинг раиси, Комиссия раисининг ўринбосари, масъул котиби ва 4 нафар аъзосидан иборат таркибда ташкил этилади.

4. Комиссиянинг шахсий таркиби Давлат статистика органининг буйруғи билан тасдиқланади.

5. Комиссия ўз ваколатлари доирасида:

Давлат статистика органи ходими томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларини, шунингдек умумий қабул қилинган маънавий-ахлоқий нормаларни бузувчи хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ва қилмишлар содир этилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Давлат статистика органи ходимининг хатти-ҳаракати юзасидан алоҳида шикоятларини кўриб чиқади;

Давлат статистика органи ходимлари ўртасида қоидабузилишларининг олдини олишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

Комиссия мажлислари якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилади;

Одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқади.

6. Комиссия ишларини ташкил этиш ва Комиссия қарорлари бажарилишини назорат қилиш Комиссиянинг масъул котиби (кейинги ўринларда масъул котиб деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Масъул котиб функциялари Давлат статистика органининг кадрлар билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи зиммасига юкланади.

7. Комиссия мажлислари заруриятга кўра ўтказилади.

Комиссияга Одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ҳақида мурожаат тушганда, Комиссия мажлиси 10 кун муддат ичида чақирилади.

Комиссия мажлисини Комиссия раиси ёки унинг топшириғига кўра – Комиссия раисининг ўринбосари олиб боради.

8. Комиссия мажлислари, агар унда Комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этса ваколатли ҳисобланади.

9. Комиссия мажлисида баён юритилади.

10. Комиссия раиси:

Комиссия ишини ташкил этади;

Комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказиши;

Комиссия аъзоларига топшириқлар беради;

йиғилишларда Комиссия фаолияти тўғрисида ахборот беради.

11. Масъул котиб:

Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун материалларни тайёрлайди ва уларнинг сақланишини таъминлайди;

Комиссия аъзоларини ва бошқа манфаатдор шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган сана, вақт ва ўтказиш жойи тўғрисида хабардор қилади;

Комиссия аъзоларининг ва манфаатдор шахсларнинг мажлисда иштирок этишини текширади, келмаганлиги сабабларини аниқлайди ва бу тўғрида Комиссия раисига ахборот беради;

Комиссия мажлислари баёнларини юритади;

раислик қилувчининг Комиссия мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа топшириқларини, шунингдек Одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

12. Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида қатнашиши ва ўзига юкланган вазифаларни бажариши шарт.

Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида қатнашиши имконияти бўлмаганда Комиссия раисини олдиндан хабардор қилиши шарт.

13. Комиссия аъзоси:

Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз бериш;

Комиссиянинг кўриб чиқиши учун масалалар бериш ва таклифлар киритиш;

қарорларни тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қабул қилишда, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил этишда ва бажарилишини назорат қилишда иштирок этиш;

кўриб чиқиладиган масала бўйича ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур маълумотлар билан танишиш;

Комиссия қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга.

II. Одоб-ахлоқ қоидалари ижроси мониторингини олиб бориш.

Одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартиби

14. Давлат статистика органи ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш мониторинги Комиссия, Давлат статистика органи раҳбарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари, шунингдек кадрлар билан ишлаш бўлинмаси томонидан олиб борилади.

15. Комиссия Одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши билан боғлиқ масалаларни:

Давлат статистика қўмитаси раҳбарлари ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари ташаббуси билан;

Давлат статистика органи раҳбарлари топшириғига биноан;

Комиссиянинг масъул котиби ва аъзоларининг ташаббуси билан;

Давлат статистика органи таркибий бўлинмалари раҳбарларининг мурожаатига кўра;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Давлат статистика органи ходимининг хатти-ҳаракати юзасидан берган алоҳида шикоятлари асосида (ушбу мурожаатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади);

Давлат статистика органи ходимлари мурожаатлари бўйича кўриб чиқилади.

16. Комиссияга мурожаат ёзма шаклда берилиши ва Давлат статистика органи ходими томонидан содир этилган Одоб-ахлоқ қоидаларини, шунингдек умумий қабул қилинган маънавий-ахлоқий нормаларни бузувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ва қилмишлар тўғрисидаги маълумот мавжуд бўлиши керак.

17. Ходим, Комиссияга унинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматига, ишбилармонлигига дахл қилувчи асосланмаган мурожаат берилган тақдирда, уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

18. Комиссияга берилган мурожаат Комиссия мажлиси бошлангунга қадар унинг ташаббускори томонидан қайтариб олиниши мумкин.

19. Комиссия мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва ҳолисона қарор қабул қилиш мақсадида, ўзига нисбатан Комиссияда иш кўриб чиқиладиган Давлат статистика органи ходими, зарурият бўлган тақдирда эса – Комиссияга мурожаат қилган шахс ва бошқа шахслар таклиф этилади.

Комиссияда ўзига нисбатан иш кўриб чиқиладиган, Комиссия мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой тўғрисида зарур тарзда хабардор қилинган Давлат статистика органи ходимининг келмаганлиги Комиссиянинг мажлисини ўтказиш ва тегишли қарор қабул қилиш учун тўсиқ ҳисобланмайди.

20. Комиссия мажлисида:

Комиссиянинг кун тартибидаги масала ва Комиссияда ишни кўриб чиқишга сабаб бўлган асос;

Комиссияда ўзига нисбатан иш кўриб чиқиладиган Давлат статистика органи ходими, зарурият бўлган тақдирда эса – Комиссияга мурожаат қилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинади.

21. Комиссияда ўзига нисбатан иш кўриб чиқиладиган Давлат статистика органи ходими:

Комиссия томонидан ўзига тегишли масалани кўриб чиқиш бўйича ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур маълумотлар билан танишишга;

ўз ҳуқуқларини, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш учун материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этишга ҳақли.

22. Комиссиянинг қарорлари кўпчилик овоз билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Овоз бериш жараёнида фақат Комиссия аъзолари ҳозир бўлади.

Комиссия томонидан овоз бериш натижалари дарҳол эълон қилинади.

23. Комиссия аъзоларининг ва Комиссия мажлисларида қатнашган шахсларнинг Комиссия иши давомида ўзларига маълум бўлган махфий маълумотларни ошкор қилиши тақиқланади.

24. Комиссия Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатини кўриб чиқиш натижаси бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатини Давлат статистика органи ходими томонидан интизомий ёки бошқача бузишнинг мавжудлиги тўғрисида хулоса чиқаради;

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатини Давлат статистика органи ходими томонидан интизомий ёки бошқача бузишнинг йўқлиги тўғрисида хулоса чиқаради.

25. Комиссия Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатини кўриб чиқиш натижаси бўйича қабул қилинган қарор билан бирга қуйидагиларни ҳал қилади:

Давлат статистика органи раҳбариятининг кўриб чиқиши учун Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишини содир этган Давлат статистика органи ходимини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритади;

йўл қўйилган қоидабузилишининг хусусияти ҳисобга олинган ҳолда Комиссия Давлат статистика органи ходимига нисбатан Одоб-ахлоқ қоидалари бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

26. Комиссиянинг қарори баён билан расмийлаштирилади, у раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ҳамда Комиссиянинг масъул котиби ва аъзолари томонидан имзоланади.

27. Комиссия мажлиси баёнининг нусхаси ёки ундан кўчирма ўзига нисбатан Комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинган Давлат статистика органи ходимининг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

28. Давлат статистика қўмитаси раиси Комиссиянинг қарорини бекор қилиш ва ўз ваколатлари доирасида бошқа қарор қабул қилишга ҳақли.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг
Обод-ахлоқ комиссияси
ТАРКИБИ**

- | | |
|-----------------|---|
| Тўраев Б.Э. | - Давлат статистика қўмитаси раиси,
комиссия раиси |
| Мирусманов Б.М. | - Раиснинг биринчи ўринбосари,
комиссия раисининг ўринбосари |
| лавозими бўйича | - Раис ўринбосари |
| лавозими бўйича | - Раис ўринбосари |
| Туляганов А.А. | - Статистика ишларини ташкил этиш
ва методология бошқармаси бошлиғи
ўринбосари, касаба уюшма қўмитаси раиси |
| Анваров Н.К. | - Катта юрисконсульт |
| Талипова З.Н. | - Кадрлар бошқармаси бошлиғи,
комиссиянинг масъул котиби |

Изоҳ: Комиссия таркибидаги шахслар бошқа ишга ўтганда, ушбу лавозимларга янгидан тайинланган (қабул қилинган) шахслар ёхуд тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар унинг таркибига киритилади.